

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим
муассасаларининг 3-4-синфлари учун
Ўқиш фанидан**

Ўқув дастури

ТОШКЕНТ- 2015 йил

МУАЛЛИФЛАР:

С. Матчонов – Низомий номли ТДПУ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси профессори,

Н.Аҳмедова - РТМ “Бошланғич таълим” бўлими бошлиғи,

З.Муратова - Учтепа тумани 229-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

ЎҚУВ ДАСТУРИГА ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-ПҚ-сонли, 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2133-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли, 2008 йил 7 августдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 173-сонли, 2011 йил 9 сентябрдаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-сонли, 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг 2014 йил 11 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг таянч ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига мувофиқ Адабиёт (Ўқиш) фани чуқурлаштирилиб ўрганиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларининг 3-4-синфлари учун Ўқиш фани дастури қуйидаги йўналишларни қамраб олган ҳолда тузилди:

Ўқув режа таркибан давлат компонентларидан иборат. Мазкур дастурда нутқ софлиги ва аниқлигига эътибор кучаяди, луғати бойийди ва фаоллашади, нутқ суръати ошади, сўзларни тўғри қўллашга, овозни бошқаришга ўрганади, мустакил фикрлашга, фикрларини оғзаки ва ёзма баён этишга мустакил ҳикоялар тузишга ўрганадилар.

Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ва ўқиш фани чуқур ўқитиладиган синфлар учун мазкур ўқув режада давлат ва мактаб ихтиёридаги соатлардан:

3-4-синфлар учун Математика фанидан 0,5 соат, Одобнома фанидан 0,5 соат, тасвирий санъат фанидан 0,5 соат, меҳнат фанидан 0,5 соат;

Адабиёт (Ўқиш) фани ихтисослигига йўналтирилган синфларда махсус фанларни ўқитишда ўқувчилар икки гуруҳга ажратиб ўқитилиши мумкин. Бироқ, синфларни гуруҳларга бўлиб ўқитилиши маҳаллий молия ташкилотлари билан келишилган ҳолда ҳал этилади.

Ўқув соатларининг тақсимоти

Адабиёт (Ўқиш) фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг 3-4-синфларида “Ўқиш”дан чораклик ва йиллик ўқув соатлари миқдори.

Умумий ажратилган соат - 238 соат

Синфда ўқиш – 202 соат

Синфдан ташқари ўқиш – 17 соат

Назорат иши – 19 соат

Ўқув Чораклари	Ҳафталар сони	Ажратилган соат		
		3-синф	4-синф	
1-чорак (2.09-3.11)	9 ҳафта	63	63	
2-чорак (11.11- 29.12)	7 ҳафта	49	49	
3-чорак(10.01- 20.03)	10 ҳафта	70	70	
4-чорак (1.04-24.05)	8 ҳафта	56	56	
Ҳафталик соат	-	7	7	
Ўқув йили соати	-	238	238	

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунда таълимнинг равнақи, унинг инсонпарварлиги, таълим-тарбия тизимининг узлуксизлиги, илмийлиги ва дунёвийлиги, таълимда умуминсоний ва илмий қадриятларнинг устуворлиги, давлат

таълим стандартлари доирасида ҳамманинг билим олиши учун имконият яратилиши билан белгиланиши бежиз эмас.

Узлуксиз таълим тизимида бошланғич таълим муҳим босқич ҳисобланади ва унда Адабиёт(Ўқиш) фани асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Адабиёт (Ўқиш) фани дастури қуйидаги мақсадларни ўз ичига олади:

Синфда ва синфдан ташқари ўқиш дастурининг мазмуни кичик ёшдаги ўқувчиларда она – ватанга муҳаббат уйғотиш мақсадларига хизмат қилади. Ўқиш болаларнинг нутқ бойлигини ўстириш, адабий-эстетик тафаккурини камол топтириш, мустақил фикрлашга ўргатишнинг муҳим омилидир. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим тизимида муҳим ўқув предмети таълим бериш, камол топтириш ва тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

Ўқишга ўргатишнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич ўқиш малакаларини (тўғри ва ифодали ўқишни) такомиллаштириш;
- болаларни ўқиган асарларининг адабий- эстетик хусусиятларини чуқур идрок этиш, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаш ва таҳлил қилиш, ундан муайян хулосалар чиқаришга тайёрлаш;
- болаларда юксак маънавий-ахлоқий қарашлар ва нафосат туйғусини тарбиялаш;
- ўқувчиларни матн устида ишлашга мустақил матн тузишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бойитиш ва атроф муҳитга ижобий муносабатни тарбиялаш.

Бу вазифалар дастурда берилган бадиий, адабий асарлар, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари асосида амалга оширилади. Ҳар бир синф ўқиш дастури қуйидаги билимларни ўз ичига олади:

- ўқиш мавзулари ва ёд олиш учун асарлар.
- ўқиш кўникмаси ва малакалари.
- матн ва боғланишли оғзаки нутқ устида ишлаш.
- синфдан ташқари ўқиш.

Ўқиш мавзулари. Ўқиш дастурини тузишда ғоявий- эстетик, мавсумий, тадрижий асослар ҳисобга олинади. Шундай қилиб, ўқув материаллари болаларга таълим бериш, уларни тарбиялашда муҳим бўлган борлиқ ҳақидаги билимлар ва инсоний муносабатларни ўз ичига олади. Ўқувчиларни бадиий, адабий асарлар билан таништириш орқали китобхонлик маданиятини таркиб топтириш ўқиш дастурларининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ўтмишда халқимиз бошидан кечирган муҳим воқеа-ҳодисалар акс эттирилган асарларни ўқиш орқали ўқувчиларда тарихий билимлар шакллана боради.

Она юрт дахлсизлиги йўлида аجدодларимиз олиб борган мардонавор курашлар тарихи ҳақида ҳикоя қилинган асарлар болаларда ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Бошланғич таълим ўқув дастуридан ўрин олган ватан мавзусидаги асарлар ўқувчиларни мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий маданий - маърифий ҳаёти ва халқимизнинг бунёдкорлик йўлидаги олиб бораётган ишлари билан таништиришга ёрдам беради. Дастурнинг ватанга, инсон эътиқоди ва маънавиятига бағишланган мавзуларини ўрганиш ўқувчиларни маънавий-ахлоқий туйғуларни тарбиялашда алоҳида ўрин тутади.

Истиқлол туфайли эришган ютуқларимиз ҳақидаги асарлар миллий ғурур туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади.

3-4синфда ватан, она табиат, истиқлол, кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати, ахлоқий муносабатлари ҳақидаги асарлар, жаҳон болалар адабиёти намуналари билан танишадилар.

Бошланғич синфлар адабиёт (ўқиш) фани ўқувчиларнинг оғзаки нутқларини ўстириш билан бир қаторда, куйидаги муҳим масалаларни ҳам ҳал этишни кўзда тутади:

Бошланғич синфларда адабиёт (ўқиш) фанидан бериладиган билимлар мазмуни ўқувчиларнинг нутқини ўстириш билан бирга уларнинг маънавий-ахлоқий шаклланишларига, дунёқарашларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади.

Мактабни битириб чиққан ёшлар ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ранг-баранг жабҳаларида, мулоқот ва муносабатнинг барча турларида ўзбек тилидан батафсил, аниқ, самарали ва тўғри фойдалана олиш, унинг чексиз имкониятларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш, зарурий кўникма ва малакаларга эга бўлишлари керак.

Адабиёт “Ўқиш” дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириш лозим.

Чуқурлаштирилган Адабиёт (ўқиш) дастурининг барча бўлимлари тизимли кетма-кетлилик принципи асосида таркиблаштирилган бўлиб, унда адабиётдан бериладиган дастлабки маълумотлар юқори синфларда ўқитиладиган она тили ва адабиёт фанидан тақдим қилинадиган ўқув материаллари билан узвий боғланади. Ушбу дастур бир нечта бўлимларини ўзида мужассамлаштиради.

Адабиёт (ўқиш) фани чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг “3-синф” лари учун ўқув мавзулари тақсимооти

**Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш
(238 соат)**

Ўқиш мавзулари:

Она битта, Ватан ягона (25 соат)

Бу бўлимда ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасининг мустақил мамлакат эканлиги, юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида тушунча берилади. Ҳар бир киши ўзи туғилиб ўсган она – Ватанини севиши, она тилини кадрлаши, озод мамлакатнинг чин фарзанди бўлиши, юрт фаровонлиги, халқ ҳаёти ва меҳнати, фидойи замондошларимиз ҳақидаги бадиий асарлар берилган.

Халқ оғзаки ижоди (20 соат)

Бу бўлимда халқ оғзаки ижодига оид қўшиқ, эртак, масал, мақол, топишмоқлар киритилган. Улар орқали ўқувчиларга халқнинг орзу – умидлари, дўстлик, аҳиллик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, фазилатлари улуғланиши, салбий хислатларнинг қораланиши уқтирилади.

Куз манзараси ва меҳнат (18 соат)

Мазкур бўлимда юртимизнинг ўзига хос кузги табиат манзараси, кишилар меҳнати, меҳнат туфайли шаҳар-қишлоқларнинг обод бўлиши, меҳнат завқи, миллий урф-одатларимиз, шеър, ҳикоя, ривоятлар акс эттирилган.

Ўтмишни ўрганиш – бурчимиз (20 соат)

Бўлимда она Ватанимизнинг буюк ўтмиши, аجدодларимизнинг Ватан ва халқ учун жон фидо қилганликлари ҳақидаги адабий – бадиий асарлар: шеър, ҳикоя, эртак ва афсоналар киритилган.

Кумуш қиш (12 соат)

Ушбу бўлимдан қиш манзараси, табиати, ҳайвонларнинг қишки ҳаёти, кишилар меҳнати, болаларнинг қишки ўйинлари, янги йил байрами ҳақидаги адабий – бадиий асарлар ўрин олган.

Ватан ҳимоячилари (8 соат)

Бўлимга шоир ва ёзувчиларнинг истиқлол, ватанимиз ҳимоячиларининг ватан олдидаги ўз бурчларини қандай ўтаётганликлари, она юртга бўлган тенгсиз садоқатлари, Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ўғил боланинг юксак йигитлик бурчи эканлиги ҳақидаги адабий – бадиий асарлар киритилган.

Орзулар қанотида (16 соат)

Бўлимда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг кичик ёшдаги тенгқурлар ҳаёти, уларнинг кизиқишлари, орзу – умидлари, дўстлиги, одоб – ахлоқи, катталар ва бири-бирларига ёрдамлари, устоз ва шогирд муносабатлари ёритилган, адабий – бадиий асарлари ўрин олган.

Улуғлардан ўрганмоқ – оқиллик (28 соат)

Мазкур бўлимга ўқувчиларни ўтмишда яшаб халқи ва Ватани учун, маърифат ривожини учун хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган алломаларнинг болаликлари, болаликдаги қизиқишлари, жасоратлари, касб–хунар, билим эгаллаш йўлидаги саъйи-ҳаракатлари халққа кўрсатган ғамхўрликлари, юрт ободончилигидаги хизматлари тўғрисидаги фикрлар киритилган.

Келди баҳор - гулбаҳор (15 соат)

Бу бўлимда баҳор табиати, бу фаслнинг гўзаллиги, кишилар меҳнати, Наврўз байрами, баҳор фаслидаги байрамлар, инсонларнинг табиат билан ўзаро муносабати, жониворларнинг ҳаёти ҳақидаги асарлар берилган.

1. Эрта баҳор. 2. Баҳор яқин. 3. Табиат билан суҳбат. 4. Бойчечак. 5. Қуёнча.
6. Байрамнинг муборак. 7. Кўклар ёмири. 8. Варрак. 9. Қалдирғоч. 10. Наврўз – юртим байрами. 11. Юртим қамоли. 12. Дарахтларни оқлаганда. 13. Лола.

Табиатни асранг ва севинг (15 соат)

Ушбу бўлимдан табиат ва унинг инсонларга хизмат қилиши, ўлкамиз табиати, она-юртимиз, унинг бойликларини асраш, ўсимликлар, дов-дарахтлар, ҳайвонот олами ва паррандаларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги асарлар ўрин олган.

Гўзал фазилят – инсон ҳусни (28 соат)

Бу бўлимдан чидамли, меҳрли, ғайратли бўлиш, ота-оналар меҳнатини қадрлаш, одоб, дўстлик, аҳиллик ҳунар эгаллаш, тежамкорликнинг фойдаси ҳақидаги асарлар, ноаҳиллик, манманлик ҳамда шошқалоқликнинг ёмон оқибатларга олиб келиши ифодаланган матнлар жой олган.

9 май - Хотира ва Қадрлаш куни (8 соат)

Бу бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 9 май-Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинганлиги, ушбу қутлуғ кунда устозлар, қариндош – уруғлар, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиш, уларга уй ишларида кўмаклашиш, бетоб инсонларга беминнат ёрдам бериш, хайру саховатли бўлиш ҳақидаги адабий – бадий асарлар берилган.

Ёз фасли – соз фасл (8 соат)

Бу бўлимда ёз манзараси, ёзнинг ноз-неъматларга бойлиги, ёзда кишиларнинг дала ва боғларда меҳнат қилиши, жониворлар, қушлар, ҳашаротлар ҳаёти болаларнинг кўнгилли дам олиши, ёзги ўйинлари ёритилган бадий асарлар киритилган.

4 - СИНФ

Синфда, синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш (238соат)

Ўқиш мавзулари:

Истиқлолим - истиқболим (17 соат)

Таниқли болалар ёзувчиларининг истиқлолга бағишланган асарлари, уларда халқимиз ҳаёти ва Ватанимиз тараққиётидаги жаҳоншумул аҳамияти акс эттирилган асарлар таҳлили. «Истиқлол фарзандимиз» мавзусида ижодий суҳбат.

Ўзбекистон - Ватаним маним (18 соат)

Ўзбекистон ва унинг вилоятлари, шаҳар ва қишлоқларида яшовчи ҳар бир киши учун Ватаннинг муқаддаслиги, юрт ободлиги, фаровонлиги халқнинг куч-қудрати, саховатпешалиги туфайли юзага келган тўкин-сочинлик тўғрисида тушунча бериш, ватаннинг ягоналиги ва унга бўлган муҳаббат туйғусини уйғотиш.

Олтин куз (13 соат)

Олтин фасл сифатида эъзозланадиган кузнинг инсон ва табиат ҳаётида тутган ўрни тўғрисида ҳикоя қилинган асарлар. Табиат кучоғига саёҳат. «Ўлкамиз (қишлоғимиз, шаҳримиз) табиати» мавзусида ижодий матн яратиш.

Маънавият — қалб қуёши (21 соат)

Инсон маънавиятини юксалтиришга, айниқса, болаларни эзгуликка муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган, ахлоқ-одоб меъзонлари хусусида баҳс юритилган асарлар, уларда ахлоқ-одоб, гўзал инсоний фазилатлар тўғрисида муайян тасаввур тушунча бериш.

Халқ оғзаки ижоди (25 соат)

Халқимизнинг минг йиллар мобайнида яратган сеҳрли-фантастик эртаклари, халқ дарди, истак-хоҳиши, орзу-умидлари ифодаланган қўшиқлар, болаларнинг қувноқ ўйин-қўшиқлари, ҳозиржавоблик, топқирликни тақозо этадиган топишмоқлар, халқнинг ҳаётий ҳулосаси тарзида юзага келган пурҳикмат мақоллар, сеҳр-жозига йўғрилган ривоятларни ўқиш.

Ватанимиз ўтмишидан (16 соат)

Ҳикоя, ривоят, шеър ва ҳикматларда Ватанимиз тарихи, унинг муқаддаслиги, Абу Али ибн Сино, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий каби буюк аجدодларимиз ҳаёти, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўл тўғрисида ҳикоя қилиш.

Кумуш қиш (17 соат)

Қиш фаслида, табиатда содир бўлган ўзгаришлар, қиш завқи туфайли тотли туйғулар ифодаланган шеър ва ҳикоялар, «Бизнинг қиш» мавзусида ижодий матн яратиш.

Нима яхшию, нима ёмон? (20 соат)

Бадий - адабий асарларда инсондаги яхши ва ёмон хулқлар, уларнинг оқибати, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ҳалоллик, поклик, тўғрисўзлик, самимият

тўғрисида, уларда маънавий камолот инсон хулқ-атворида акс этиши, унинг обрў-эътиборини ошириши эзгу ишларга йўналтириш, бадий асарларни ўқиш.

Ҳайвонот оламида (10 соат)

Шеър ва ҳикояларда инсонларнинг энг яқин дўсти ҳайвонларнинг ва уларнинг яшаш тарзи, ўзига хос ҳаёти, она табиат яратган мўъжиза эканлиги, одамларнинг уларга муносабатларини билиш.

Зумрад баҳор (11 соат)

Фасллар келинчаги, яшаш-яшариш фасли бўлган баҳор табиати, унинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, дилларга берадиган завқ-шавқи, ишлар тўғрисидаги шеър ва ҳикоялар, «Ассалом, Наврўз!» мавзусида ижодий матн яратиш.

Яшасин тинчлик, бор бўлсин дўстлик (14 соат)

Ҳикоя ва шеърий асарларда инсоннинг бахт-саодати, фаровон турмуш кечириши фақат Ватаннинг куч-қудрати, она замин саховатига боғлиқ бўлиб қолмасдан, айни пайтда халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик, дўстлик ришталари ҳақида сўз юритиш.

Аждодларимиз - фахримиз (17 соат)

Бадий – адабий асарларда халқимиз ва Ватанимиз шон-шухратини асрлар оша бутун жаҳонга таратиб келаётган беназир аждодларимизнинг ўз эътиқодлари йўлидаги фидойиликлари, уларда умуминсоний ва миллий ғурур тўғрисида, Тўмарис, Нажмиддин Кубро, Беруний ва бошқа ватандошларимизнинг ватан дахлсизлиги ҳамда илм маърифат йўлидаги курашлари ҳақидаги билимларга эга бўлиш.

Жаҳон болалар адабиёти (20 соат)

Жаҳон болалар адабиётининг Г.Андерсен, Ж.Свифт, ака – ука Гриммлар, Ч.Айтматов сингари намояндаларининг сеҳрли саргузаштларга бой, дунёдаги жуда кўп тилларга таржима қилиниши ва уларда болаларга хос хусусиятларнинг акс этиши.

Ёз — ўтади соз (12 соат)

Болаларнинг таътил давомида она-табиат билан яқиндан танишадиган ёз фаслининг ўзига хос хусусиятлари, кишиларнинг ёздаги меҳнатлари тасвирланган шеър ва ҳикояларни ўқиш.